

2022 й. "10" 01 даги "Hududgazta'minot" АЖ Ромитан туман газ филиали  
хамда Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси ўртасида 51 999 420 умумий суммага тузилган  
8- сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ**

Боб 075

Шахсий газна ҳисобварақ 100022860062427073101054001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7073 101 054 (42 22 000)	...(*)	...(*)	
Январ	21999780			21999780
Феврал	19999980			19999980
Март	9999660			9999660
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>51999420</b>			<b>51999420</b>

Жами 51 999 420 (Эллик бир миллион туккиз юз туксон туккиз минг тўрт юз йигирма сум) сумма сўз билан.

- Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100% 2022 йил жорий ойнинг охирига санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим.

Рахбар

(имзо)

Ж.Тохиров

М.Ў.

Бош ҳисобчи

(имзо)

Т.Кандиёров

Газначилик бўлинмаси  
ходими қабул қилди

2022 й. «    »    (имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи  
ходими қабул қилди

2022 й. «    »    (имзо)

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беришнинг  
ШАРТНОМАСИ № 8

2022 йил «10» 01  
туман

Ромитан

Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси (бундан бўён «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Ж.Тоҳиров** бир томондан ва 2018 йил 01 март куни берилган 020146/Д-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи **“Hududgazta’minot” АЖ Ромитан туман газ филиали** раҳбари **Э.Хамроев** (кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб юритилади), иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йил 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 78787 куб.м, 1 м.куб. газ нархи 660 сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I квартал	78787	м. куб.	январь	_____	м. куб.	февраль	_____	м. куб.	март	_____	м. куб.
II квартал	_____	м.куб.	апрель	_____	м. куб.	май	_____	м. куб.	июнь	_____	м. куб.
III квартал	_____	м. куб.	июль	_____	м. куб.	август	_____	м. куб.	сентябрь	_____	м. куб.
IV квартал	_____	м. куб.	октябрь	_____	м. куб.	ноябрь	_____	м. куб.	декабрь	_____	м. куб.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлашидан издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориди қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 2022 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил қилади:

I квартал	_____	м. куб.	январь	_____	м. куб.,	февраль	_____	м. куб.,	март	_____	м. куб.,
II квартал	_____	м.куб.	апрель	_____	м. куб.,	май	_____	м. куб.,	июнь	_____	м. куб.,
III квартал	_____	м. куб.	июль	_____	м. куб.,	август	_____	м. куб.,	сентябрь	_____	м. куб.,
IV квартал	_____	м. куб.	октябрь	_____	м. куб.,	ноябрь	_____	м. куб.,	декабрь	_____	м. куб.,

1.5. Шартнома умумий суммаси 51 999 420 (Эллик бир миллион туккиз юз туксон туккиз минг турт юз йигирма сум) сўмни ташкил қилади.

Жумладан: бюджет маблағлари ҳисобидан 51 999 420 (Эллик бир миллион туккиз юз туксон туккиз минг турт юз йигирма сум) сўмни,

1.6. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.7. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган миқдор деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу Шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилади.

2.2. Етказиб берувчи Истеъмолчига 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газ етказиб беради.

2.3. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.3 ва 1.4-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали билан хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

Ромитан шаҳар Шифокорлар 162

2.5. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилган тақдирда, Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса захира ёқилғи туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ўсқуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ўсқуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.10. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.11. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.12. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газ ишлаб чиқарувчи «Ўзнефтьгазказибчиқариш» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзоладиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Газ тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқландиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

Етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб газ ҳажмини стандарт шартларига кўра (ДСТ 5542-87 ва ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни  $T = 20^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 760$  мм симоб устунига келтирилган ҳолда амалга оширилади. Истеъмолчи томонидан газни тижорий ҳисобга олиш учун мўлжалланган торайтирувчи қурилмага эга ўлчов комплекси фойдаланилган тақдирда, Етказиб берувчи ва Бюро билан ҳамкорликда газни ёзги ва қишки мавсумларда истеъмол қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, торайтирувчи ускуналарни ўз вақтида алмаштириш ва ўлчов комплекси ишини «Ўзстандарт» агентлиги талабларига мувофиқлаштириш таъминланиши лозим.

3.3. Газни сарфланишини ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар инobatга олинади:

а) манометрлар ва термометрлар созлиги, уларнинг давлат текширувини амал қилиш муддати;

б) ГТШни юргизиш (тартибга солиш) муддати, шунингдек ҳақиқий ишчи босимнинг ГТШни тартибга солиш далолатномасида қайд этилган кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Қайд этилган кўрсаткичларга риюя этилмаганда  $P_{\text{ортқича}} = 1,0$  кгс/см<sup>2</sup> коэффиценти қўлланади

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни 12 соатдан кечиктирмасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва ҳаққоний киритилиши учун жавобгарлик Истеъмолчи зиммасида бўлади.

3.4. Газ сарфини ҳисоблаш прибори ҳажмини ўлчаш диапозони ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналари қувватига мувофиқ бўлиши лозим. Агар табиий газ ҳисобга олиш қурилмаларининг техник тавсифида кўрсатилган ҳажмдан кам сарфланса, газ ҳажми ва сарфини ҳисобга олиш техник тавсифнинг пастки чегараси бўйича қабул қилинади. Бунда Истеъмолчи 15 кун мобайнида газ ҳажми бўйича унинг газ ускунасига тўғри келадиган бошқа газни ҳисоблаш приборини ўрнатишни ўз зиммасига олади.

Газни ҳисоблаш приборининг хатолиги приборнинг паспортда кўрсатилган хатолик чегарасига мос келиши лозим, бундай ҳолатларда газ сарфини ҳисобга олиш тизими ўзаро ҳисоб-китоблар учун яроқли ҳисобланади

Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи «Ўзстандарт» агентлиги бўлимларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.6. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисоблаш приборисиз ёки уни четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш;

б) газни ҳисоблаш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш муддати тугаганда, бунда тегишли ҳисоб-китоб қиёслов муддати тугаган вақтдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни ҳисоблаш приборини ўрнатиш вақтигача бўлган даврда;

в) носозлик, тамға бутлиги бузилиши, ҳисоблаш прибори ўзбошимчалик билан ечиб олинганлиги аниқланган ҳолатларда;

г) газ қувурлари ёки ГТШларда, газни тақсимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузадиган қурилмаларни ўрнатиш.

3.7. Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида истеъмолчига етказилган газ ҳажми тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг энг юқори қувват билан ишлаб туришига нисбатан аниқланади, бироқ, мазкур шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида белгиланган талабларга риюя этилган тақдирда, бир чоракдан ортиқ бўлмаган муддатга қўлланади.

Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида, Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирмасдан бу ҳақида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, корхона ва газдан фойдаланувчи ускуна иш жадвалини тузиши ва ишдан чиққан газдан фойдаланувчи ускуна иш тамғалаб қўйиши шарт.

3.8. Ҳисоблаш приборларини ўрнатиш, фойдаланиш ва текшириш амалдаги меъёрлар ва қоидаларга асосан ўтказилади.

3.9. Табиий газни ҳисоблаш учун фақат Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари Давлат реестрига киритилган турдаги приборлардан фойдаланиш шарт.

3.10. Приборлар уларнинг фойдаланиш учун яроқли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган жойларда тегишли шаклдаги амал қилувчи белгилар ва тамғаларга эга бўлиши шарт.

3.11. Ҳисоблаш приборларининг техник ҳолати, таъмирланиши ва ўз вақтида давлат қиёсловидан ўтказилиши учун жавобгарлик ҳисоблаш прибори эгаси зиммасига юклатилади.

3.12. Ҳисоблаш приборларини қиёслови Давлат метрология хизмати органлари томонидан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилади.

3.13. Ҳисоблаш приборларини қиёслов даврийлиги меъёрий-техник ҳужжатлар асосида белгиланади.

3.14. Ҳисоблаш приборига тамға ўрнатиш Бюронинг масъул ходимлари томонидан Етказиб берувчи вакиллари билан бирга далолатнома тузган ҳолда ҳамда Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.15. Ҳисоблаш приборларининг, шу жумладан ўрнатилган тамғаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик Истеъмолчига юклатилади.

3.16. Ҳисоблаш прибори ўрнатилгандан кейин, Етказиб берувчи томонидан рўйхатга олинади.

3.17. Ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи ва Бюро вакиллари томонидан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.18. Ҳисоблаш приборини алмаштириш учун ечиб олиш Истеъмолчининг аризаси асосида Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходими иштирокида амалга оширилади.

3.19. Ҳисоблаш приборини текширув муддати тугаганлиги сабабли ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходимининг иштирокида текширув муддати тугашидан камида бир кун аввал амалга оширилади.

3.20. Ҳисоблаш приборини созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро талаби билан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.21. Мазкур шартноманинг 3.17-бандида қайд этилган ҳолатларда ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш учун Истеъмолчи сертификатда кўрсатилган кундан бошлаб икки кун ичида буюртма бериши лозим.

3.22. Ушбу шартноманинг 3.17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш Истеъмолчининг буюртмасига кўра икки кун ичида Етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан бирга тамғаланади.

3.23. Ушбу шартноманинг 3.20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, мониторинг тугаганидан сўнг кечиктирмасдан, дарҳол Етказиб берувчининг вакиллари томонидан ўрнатилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан биргаликда тамғаланади.

Ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, мулкдор номувофиқликларни бартараф этишни таъминлаши шарт, шундан сўнг 3.21 ва 3.22 — бандларга мувофиқ ўрнатиш амалга оширилади.

3.24. Ҳисоблаш приборини мониторинг қилиш ёки текширув натижаларидан норози бўлган Истеъмолчи, белгиланган тартибда юқори турувчи орган ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

3.25. Шартноманинг ҳар икки томони белгиланган қонунчиликка мувофиқ, Бюронинг ваколатли ходимига сутканинг исталган вақтида ҳисоблаш приборларини монеликсиз кўздан кечириш учун кириш имкониятини таъминлаши шарт.

3.26. Бюро ходимини ҳисоблаш приборларига қўймаслик ҳолати далолатнома бўлиши расмийлаштирилади. Истеъмолчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган ҳолатда, далолатномада бу ҳақда қайд этилади.

Рад этиш ҳолати икки гувоҳ ёки фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши керак. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этиш сабабини баён қилиш ҳуқуқига эга, бу ҳақида далолатномага қайд этилади.

Далолатномага имзо қўйишни рад этиш Истеъмолчини газ тармоғидан узиб қўйиш учун асос бўлади ва бу ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган миқдор ҳисобланмайди.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадilar.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 2 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

4.10. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор қилган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб оyiда етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, Истеъмолчи газ тармоқлари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.

4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кундан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.17. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатишган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан

норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оғи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.18. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.19. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кўчга кирганидан сўнг амалга оширилади.

#### V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Бюронинг Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб берувчи ёки Бюро вакилининг сўнги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

#### VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчи газ тармоқларидан қуйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш приборларидан кўрсаткични олишга қўйилмаганда;

ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

газни талон-тарож қилиш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда.

6.2. Тармоққа қайта уланишда Истеъмолчидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида ҳақ ундирилади.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармоқларига истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

#### VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

табiiй газ етказиб бериш қискарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

табiiй газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида Бюро ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб бериш;

истеъмолчиларга йўриқномалар бериш ва хонада ўрнатилган газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш масалалари бўйича эслатмани топшириш;

Бюро ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

Истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

истеъмолчиларнинг техник хизмат кўрсатиш (тафтиш ўтказиш) саналари ҳақида турар жойлар йўлакларига эълонлар ёки бошқа мавжуд усуллар орқали камида уч сутка аввал огоҳлантириш;

газдан фойдаланиш ускуналарини истеъмолчиларнинг ёзма ёки электрон буюртмалари асосида нархларни тартибга солиш органи томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича қуйидаги муддатларда таъмирлаш:

табiiй газ сизиб чиқишида — дарҳол;

овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда — беш кун давомида.

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

техник заруратга кўра, истеъмолчининг белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табiiй газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни газ тармоғидан узиб қўйиш;

Истеъмолчилардан табiiй газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

табiiй газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табiiй газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

ушбу шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилунига қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;

газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

газтармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

Бюро вагаз таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;

табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш;

газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) заҳира ёқилгига ўтиш талаблари бажарилмаганда;

в) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал ва газ тармоқларида авария ҳолатлари;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган корхоналардан ташқари);

г) қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

## IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

9.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида қутилмаган авария вазиятлари юзага келганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки қабул қилиш ҳуқуқига эга.

10.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.  
10.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

#### XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

11.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.  
11.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

11.3. Шартнома 2020 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили 2022 йил 31 декабрь санасига амал қилишлари лозим.

11.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иктисодий суд томонидан ҳал қилинади.

#### 12. Коррупцияга қарши курашиш шартлари.

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: "1008" ишонч телефони, телеграм-канали "@anticorbot" орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

#### 13. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома қоидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибда ёхуд суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

12.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, ҳар иккала нусха бир хил юридик кучга эга

#### ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Ўтказиб берувчи»

«Hududgazta'minot» АЖ Ромитан туман газ филиали

(отказиб берувчининг номи)

Манзил: Ромитан ш. Шифокорлар куч

Тел./факс: 552 16 32

Улгуржи х/р 22634000805113960324

Банк номи: Узсаноатқурилишбанк ракат филиали

МФО:00435

Раҳбар: Э.Хамроев  
(Ф.И.Ш)



«Истеъмолчи»

Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Ромитан шаҳар Шифокорлар куча №162

Тел./факс: 55-2-11-30

ш/х 100022860062427073101054001

МФО:00014 ИНН: 200 976 465 ОКОНХ: 91511

Ромитан туман Ғазначилик бўлини маси

ЯГХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош

бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО 00014

Ғазначилик бўлини маси СТИРи 201122919

Раҳбар: Ж.Тоҳиров

(Ф.И.Ш)

